

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazelasi

» SHU SONGA XABAR

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ БМТга тақдим оғизи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қарорхоҳи БМТ ёшлар форуми бўйида. Унинг доирасида Ўзбекистоннинг ушбу глобал тизимдаги доимий ваколатхонаси томонидан республикамизда олиб бораётган ёшлар сиёсати тақдимоти ўтказилди.

Тақдимот давомида мамлакатимиз Президент ташабуси билан тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолияти, мақсад-вазифалари, шунингдек, ўсига келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, қонуни хуққа ва манбаатларини ҳимоя этиди.

Қишиш тизимининг тубдан ислоҳ этилишига доир маълумотлар ҳавола этилди. Бундан ташқари, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг мазмун-моҳияти, уни ҳаётга татбик этиш бораисида эришилган натижалар ҳақида атрофлича сўз юритиди.

Форум иштирокчилари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалдаги ижроси тўғрисида ҳам хабардор этиди.

Тадбир чорида Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида илгари сурган ташаббуслари, хусусан, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқиш борасидаги тақлифи ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этиш жоизки, ёшлар форумининг очилиш маросимида

БМТ котибиати, бошқа ҳалқаро ташкилотлар, нодавлат тозижорат ва ёшлар тафakkурга эга янги авлод вакилларисиз замонавий ҳафъ ва хатарларни бартараф этиб бўлмаслигини ҳам айтди. Унинг фикрича, ёшларни замонавий М.Лайчак бўлгунги кунда дунёда мисли кўрилмаган даражада ёшларга оид сиёсатни шакллантириш зарур. Форум доирасида бўлиб ўтган яли мажлис, давра сұхbatлари, секция йиғилишлари давомида БМТга авзо давлатлар вакиллари ўз юритидаги ёшлар сиёсати хусусида фикр алмашди. Тадбир якунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиди.

"Жаҳон" АА маълумоти асосида тайёрланди.



ДАВРОН СУД ЗАЛИДАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

2

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ – ОЛИЙ САОДАТ

3

» YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

КАМЧИЛИКДАН ТОНМАСЛИК КЕРАК

Ёшлар пресс-клуби "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонунинг ижросига бағишиланган туркум сессияларга старт берди. Эндиғи муҳокамаларга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги ёшлар масалалари бўйича мутасадди раҳбарлар тақлиф қилинмоқда. Туркум доирасидаги дастлабки кўрсатуда Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимой ривожлантириш ва маънавий-маърифий

ишлар бўйича ўринбосари Алишер Мусаев, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарыш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар қенгаши раиси ўринбосари Исломбек Жаҳонғиров, шунингдек, ёшлар иттифоқининг маҳаллий қенгаши раиси Элбек Шукров иштирок этди. Сессиядаги пойтакт ўқувчилари буш вақтини мазмунли ташкил этишда мактаб директорлари ҳамда ёшлар етакчиларининг ўрни, бу борада кўзга ташланадиган

муаммолар хусусида сўз юритиди. Афсуски, айrim таълим мусассаларида ҳалигача ҳолат ижобий томонга ўзгармаган. Масалан, Шайхонтохур туманидаги 13-умумтаълим мактабида ёшлар етакчisi бир ойдан бўён иш бермайди. Тўғраклар қофзодагина мавжуд. Амалдаги вазият эса, жуда қонїкарсиз. Йиғиганлар махсус тайёрланган видеолавҳани томоша қилгач, бунга шахсан амин бўлди. Тўман миқёсида

ўтказилган сўровдан маълум бўлишича, отоналарнинг пулли тўғраклардан кўнгли тўқ, аммо давлат бюджетидан молиялаштириладиганлари ҳавас қиласи даражада эмас. Яна бир гап: худуддаги "Баркамол авоҳ" болалар марказида тикувчилик тўғраги фаолият кўрсатса-да, бироқ у ердаги тикув машиналари фақат кўргазма учун кўйиб кўйилган. Бунисига нима дейсиз? Сессия давомида спикерлар шу каби муаммоларнинг

илдизлари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр алмашди. Бундай хунук ҳолатлар жамият ривожига салбий таъсир кўрсатиши инобатга олинни, масалалар ечимига дарҳол киришилди. Журналистлар ва ёшлар ҳам мутахассисларга ўз саволлари билан мурожаат қилиди. Эслатиб ўтамиш, ёшлар пресс-клубида суратга олинидаги навбатдаги кўрсатувада Тошкент вилоятидаги аҳвол таҳлил қилинди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Biz ~ kelajak бунёдкоримиз!

» OCHIQ MULOQOT

ЎРГАНИШ, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси — ёшлар иттифоқи Марказий Қенгаш раиси Қаҳрамон Қуранбаев фарғоналий йигит-қизлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, уларнинг муаммоларини ўрганмоқда.

Ёшлар етакчisi вилоят марказидаги 1-, 11-, 15-, 23-умумтаълим мактаблари ҳамда солик қасб-хўнар коллежига борди. Дастлаб таълим мусассаларидағи бошлангич ташкилотлар фаолияти таҳлилга тортилди. Етакчиларнинг ташаббускорлиги, ҳужжат юритиш ҳамда ёшлар билан ишлашга доир тажрибаси муҳокама қилинди. Ўзаро мулоқотда ўғил-қизлар ички туризмни

таклифлар таҳлил қилинди, йўл кўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Шу куни ёшлар етакчisi Фарғона шаҳридан бошлангич ташкилотлар етакчи ва сардорлари билан ҳам очиқ мулоқот ўтказди.

Иштирокчилар томонидан ёшларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш, бошқа ҳудудлардаги етакчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бандлик масаласини ҳал этишга доир ташаббуслар илгари сурилди.

Қаҳрамон Қуранбаевнинг Фарғона вилоятига сафари давом этмоқда.

Нодиржон ЮСУПОВ

» ESHITDINGIZMI?

ЭЛЕКТРОН НАВБАТ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

"Ёшлар уйлари" ни сотиб олмоқни бўлган оиласлар электрон навбатга кўйилади. Янги тизим www.yoshlaruyi.uz сайтида тест режимидаги ишламоқда. Электрон навбатни ижтимоий тармоқлардаги yoshlaruyi_bot манзили орқали ҳам кузатиш мумкин. Бунинг учун ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Қенгаш хурурияти Республика

комиссияси томонидан рўйхатга олинган шахсларга маҳсус ID-код тақдим этилади. Яна бир хушхабар: эндилик "Ёшлар уйлари"га давъогар

ҳамюртларимиз республика ва ҳудудий комиссиялар хулосалари билан масоғадан турб, яни онлайн тарзда ҳам танишиши мумкин.

Бундан ташқари,



Ёшлар иттифоқи тизимида февраль ойи



"Буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ойлиги" деб ёълон қилинди.



Унинг доирасида барча ҳудудларда ранг-баранг тадбир ва акцияларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек,

Ёшлар иттифоқи кўмаги билан Самарқанд вилоятининг Оқдареп туманидаги "Муштарий" тикувчилик фабрикасига уч нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаши.



Ўз ахборотимиз.

» SIZ NIMA DEYSIZ?



"Лайк" босмасин, дўст бўлсин!

Замона зайди ўзак, ахборот-коммуникация таҳсилотидан оғизимиз бўлди. Улар ҳаётимизни деярли ҳар бир жабхасига бор. Муҳими, оғиримиз ёнгил, мушқулумиз осон...

Масалан, кимга дидир хат-хабар етказиш учун ё сим қоқамиш, ё электрон почтани очамиз ёки ижтимоий тармоқдаги саҳифамиздан фойдаланмиз. Бирон маҳсулот хақида билмоқчимисиз?

Сотиб олишини хоҳлаяпсизми? Бу ҳам муаммо эмас. Керакли маълумот интиernetesдан осонгина

топилиди-куяди. Электрон буюртма бериси ҳам мумкин. Хулас, глобал тармоқнинг қулаликлари кўп — санааб адогига етмайсан, киши.

Сир эмас, бугуннинг ёшлири учун ижтимоий тармоқлардаги мулоқот одатий ҳолга айланган.

Таассуфки, аксарияти ушбу "машгулот" сабаб соатлаб вақтини беҳудага утказмоқда. Фойдаси бўлса кошки эди. Очиғи, фалон тармоқда шунча дўстим бор, менинг постимга бугун мана бунча "лайк" босиди, деб кўкрак кериб юрадиган одамларни сира тушумайман. Бундай сафсатабозликнинг кимга кераги бор? Ахир, реал ҳаётда эътиборни қаратиш лозим бўлган воқеалар, йиллар давомида ечимисиз қолиб кетаётган муммалор қалашиб ётиди-ку.

Афсуски, айрим тенгдошларимиз ён-атрофидағи ҳодисаларга бефарқ, фақат "лайк" санашу виртуал дўстлар ортириш билан овора.

Яқинда курсдошимдан бир масалада ёрдам сурдим. У вақти ўйқулигини рўяқ қиди. Бирор ранжидим. Сабаби аслида устоз топширикни иккаламизга берганди-да. Қандай зарур

иши бор экан, деб қизиқдим. "Facebook"даги дўстларим сонини кўпайтироқчиман, қолаверса, бир танимга унинг гурухига аъзо бўлиб, постлар қолдиришига вадда бергандим. Тағин "Telegram"да ҳам канал очиб қўйишам керак. Хулас, қилалиган ишим кўп. Узр, ошна, хафа бўлмайсан энди", — деса бўладими. Хунобум баттар ошиб кетди. Узи ўйигит охирги вақтда базм-давлатларга унча кўшилмай кўйганди. Гап нимадалиги мана энди билдим.

Аттанг, ёнингда сени қўллашга тайёр шунча яқинларинг бўлса-ю, барига қўй силтаб, виртуал дүнёдаги эти ёт бегоналарга "дўст" тутиксанг, одамийлигинг қаерда қолди, ҳазрати ИНСОН! Бу кетиша ўртамизда меҳр-оқибат йўқолиши тайин. Ўлаб кўринг, азизлар! Ҳали кеч эмасдир.

"Навоийни англаш"
Викторинаси

Талҳ майдин, соқиё,
толти чучук жоним ҳаёт,
Эй басо макруҳим,
зимнида бир беҳуд бэрур.
Алишер Навоийнинг "Ийғласам кўнглумга ишн" ғазалида келтирилган ушбу байти шарҳланг.
Жавоблар 7 февралгача қабул қилинади.

yoshlarovozi@mail.uz
yoshlar_ovozi@z

12-сонда эълон қилинган викторина саволининг жавоби қўйиладига:

"Оғизм ачитқон дам-бадам" ғазалининг олтичини байтидаги "ғам барқи" ва "мехнат туни", "тутун" ва "шарар" сўзларида шоирона ташайол орифона тафаккур билан омухталанган. Ирфоний манбаларда "барқ" ҳидоят топган банданинг Парваридор курбатидан ишона беरувчи чақин; солик йўлини бир лаҳза мунаварр этувчи ҳидоят нури, деб таърифланган.

"Мирсад ул-ибод" да ёзишича, "дастлабки ҳолларда нурлар барқ, яшин, чақин шаклида пайдо бўлур. Кўнгил қанча сайдаланса, нурлар ҳам кучайиб, кўлаявадери". Имом Фазолий айтганидек: "Киши ўзи маърифат қылган нарсанигина яхши кўра олади, билмаган нарса дойм ҳавотир ва кўркувуга солади". Оловдан ғоҳида учқун, ғоҳида тутун чиққани каби, Ишқ туфайи кўнглида ғоҳида ҳидоят нурлари ёрғулек сочиши, ғоҳида машаққат ва меҳнат кечасиде зинмистон бўлиши табии, дейдай Навоий. Аммо бу Ишқ кимга, нимага қаратилган? Ким нимага таяниб, нимага муҳаббат қўйиб яшайди? Ҳамма ҳам илоҳийликка талпинадими! Табиийки, йўқ. Кимдир дунёга ошик, кимдир эса, дунё Эгасига.

Шарҳовчи: филология фанлари бўйича фалсафа доктори Олимжон ДАВЛАТОВ. Тўғри жавобни Сабоҳат Қаюмова йўллади. Газалнинг тўлиқ матнини www.yoshlarovozi.uz сайдита ўқинг.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Faorlam

Тун одамларни узоқни кўра олмайдиган қилиб қўяди.

Қайтим

У ийғлаб ўтиради. Садо сўроқлади:
— Нега ийғлайсан?

— Аламидан уни гибат, тухмат қилган эдим, кулфат бўлиб қайтди, — деди у.

Назар

— Гўзалик нимада мунозара қилинади доим?

— Гўзаликни кўра олиша, кўра билишда.

Сўқирлук

Кибрланиб сен назарга имлаганинг — қалб тўридан жой берди. Вақти кеди. Фақат ўша ерда қолдинг. Лек буни билмайсан.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоб. Корхона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41.**

Индекслар: 203, 3203
Бахоси келишилган нархда.

Бюорта Г-236.
Адади — 28498

Босимга топшурини настъи — 21.00
Топшуринади — 21.55
Ўзлак иккун — 21.55

Оффсет усулда босилган.

» ASLIYATDAN TARJIMA

Арнольд БЕННЕТТ

Васиятнома

Инглиз тилидан Нодирабегим ИБРОХИМОВА таржимаси.

Бу ака-укалар Англиянинг Олдкесл шаҳрида истикомат қулаги. Жон 52, Роберт 49 ёшда бўлса-да, ҳалигача бўйдоқ. Қизифи, туғилгандан бўён бирга яшаб, бўрга объектланади-ю, бироқ неча йилдирку, бир-буни билан гаплашмасу...

Бунга ўн йил бурунги бир можаро сабаб бўлган. Шундан бўён улар гаплашмайди. Борди-ю, мулоқотга кириши зарурати туғилиб қолса, буни фақат ҳат орқали амала оширади.

Бир куни кечки овқатдан сўнг улар одатдаги ўтирганди. Иккиси ҳам қора либосда, боиси сингилмалари Марі тўсатдан вафот этганди. Жон қофоз оли-да, ёзи: "Жаноб Ливерсейж бизнисига ташриф бўйорак экан". Ливерсейж уларнинг аводати эми. "Нега?" — жавоб ёзи Robert. "Билмайман. У қўнғироқ қилди ва бизни кўрмочи эканини айтди".

Шу пайт эшик қўнғироги чалинди. Бу Pavel Liversejz ёди. У Жон ва Robert билан ҳам мактабдош, ҳам

қалин дўст, шунингдек, акаукалар сингари ҳам уйланмаганди.

— Қалайсан, Павел? — сўради Жон.

— Жуда яхши, — жавоб қайтарди. — Мен сизларни синглингизнинг васиятномаси ҳақида айтмоқчи эдим. Бундан хабарнинг бордир?

— Йўқ, — жавоб беришибди. — У бизга бирор нима қолдирибди-ми?

— 12 минг евро. Лекин аввал васиятномани ўқишига имкон берсангиз...

Адвокат ёнгизни айтди: "Адвокати ҳам бордир. Шу тифайли ораларидан кора мушук ўтди. Охирги жанжалдан кейин бир-буни билан гаплашмай қўйди. Аммо улар иккиси

қолганликларинг сабабини тушумайман. Бечора Аннига нисбатан бешафатлик қилингандар. У ўн йилдан бўён бирингизни кутади, ахир. Қисқаси, васиятим шуки, иккингиздан қалай бирингиз Аннига ўйлансангиз, мен пулларимни ўшанга қолдираман. Иккингиз ҳам ўйланасанги, ўз хода пуллар Аннига қолади.

Севимли синглингиз Марі".

Ака-ука васиятнома ҳақида бир неча кун ўйлаб юрди. Бундан ўн йил аввал Анни 27 ёшдалигида иккаласи ҳам уни севиб қолганди. Шу тифайли ораларидан кора мушук ўтди. Охирги жанжалдан кейин бир-буни билан гаплашмай қўйди. Аммо улар иккиси

ҳам Аннига ўйланни фикридан қайтанини билмади...

Нихоят, васиятнома ўқилгандан кейин беш-олти кун ўтиб Жон гап бошлади:

— Балки Анни учун танга ташлармиз. Чикками ё пукка?

— Пукка, — деди Robert.

Танга чикка томони билан тушди. Эртасига Жон Аннининг ўйига борди. Манзилга етиб келганида Ливерсейж ўйдан чиқаётган экан...

Хулас, ака ҳам, ука ҳам Аннига ўйланомади. Улар ҳалим бўйдоклар сафида, аммо энди араз-гиналари тарқаган. Анни-чи, дейизми? У яқинда Ливерсейжга турмуша чиқи, Марі қолдириган пуллар эгасига айланди.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Сайдуллаев, Дилмурад Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — боз музҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — боз музҳаррир ўринбосари ("Молодеж Узбекистана"); Елена Калнина — масъул котиб ("Молодеж Узбекистана").

Дизайнерлар

Рӯзиев Зафар
Хусанович
Абдуллаев Ҳуршид
Ўқтамжонович

Навбатчи
Нодирабегим Жамолова

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиси таҳририят руҳсати билан амала опририлиши шарт.
Таҳририятта келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга кайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоб. Корхона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41.**

Индекслар: 203, 3203
Бахоси келишилган нархда.

Бюорта Г-236.
Адади — 28498

Босимга топшурини настъи — 21.00
Топшуринади — 21.55
Ўзлак иккун — 21.55

Оффсет усулда босилган.

